



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 27 март, № 57-58 (7015-7016)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АФҒОНИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 март куни Қўқсарой қароргоҳида «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференциясида иштирок этиш учун амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Афғонистон Ислам Республикаси Президенти Мухаммад Ашраф Ғанини қабул қилди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги яхши қўшнилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни кенгайтириш, жумладан, савдо, транспорт ва энергетика соҳаларидаги лойиҳалар, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа йўналишлардаги дастурларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди. Томонлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Президент Мухаммад Ашраф Ғани мамлакатларимизнинг Афғонистон бўйича Тошкент халқаро конференциясини ўтказишга оид биргаликдаги ташаббусини рўйга чиқаришга қаратилган саъй-ҳаракатлар учун Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий миннатдорлик билдирди, ўзаро манфаатли йўналишлар бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришга тайёр эканини таъкидлади.

ЎзА.

Аъло АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 март куни «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференциясида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган АҚШнинг нуфузли делегацияси раҳбари, АҚШ Давлат котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Томас Шэннони қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, биргаликдаги саъй-ҳаракатлар Ўзбекистон — АҚШ муносабатларини ривожлантиришга янги суръат бағишлаганини алоҳида таъкидлади. Олий ва юқори даражадаги икки томонлама мулоқотлар Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги стратегик шерикликни мустаҳкамлашга хизмат қилиб, уни амалий мазмун билан бойитмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида йўлга қўйилган мунтазам сиёсий мулоқотга юксак баҳо берилди. Савдо, инвестиция ва юқори технологиялар соҳаларида кўшма лойиҳаларни амалга оширишда АҚШнинг етакчи компаниялари ва банклари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Учрашувда Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистон ва АҚШ афғон можаросини тинч сиёсий йўл билан ҳал этиш бўйича жараёни тез фурсатда бошлаш тарафдори экани таъкидланди.

Афғонистон ҳукуматининг мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш, минтақавий иқтисодий ҳамкорлик жараёнига қўшилиш бўйича саъй-ҳаракатларини

икки томон ҳам қўллаб-қувватлаши қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Афғонистон бўйича Тошкент конференциясини ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни қўллаб-қувватлагани ва унинг ишида АҚШнинг нуфузли делегацияси иштирок этаётгани учун Президент Дональд Трампга миннатдорлик билдирди.

АҚШ Давлат котибининг ўринбосари Томас Шэннон ушбу анжуманда қатнашишга таклиф этгани учун Президент Шавкат Мирзиёевга самимий миннатдорлик изҳор қилди. Мазкур муҳим халқаро тадбирнинг ўз вақтида ўтказилаётгани ва долзарблиги билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди.

АҚШ дипломати мамлакатимизда давлат бошқаруви, фуқаролик жамияти ва иқтисодий соҳаларида янги босқичда амалга оширилаётган ислохотларни юксак баҳолади.

Ўз мамлакат раҳбарияти номидан АҚШ давлатларимиз ўртасидаги икки томонлама кенг ўламли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва стратегик шерикликни мустаҳкамлашга тайёр эканини таъкидлади.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И ТАШҚИ САВДОНИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА САВДО ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ташқи савдони янада эркинлаштириш, тadbirkorлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятда кенг иштирок этиши учун тенг ва қулай шароитлар яратиш, шунингдек, савдо операцияларини амалга оширишда ортқича тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва «Ўзстандарт» агентлигининг Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган товарларни юклардан олдин мажбурий инспекциядан ўтказиш тартиботини бекор қилиш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки: Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган товарларни юклардан олдин инспекциядан ўтказиш хизматларини кўрсатиш ҳуқуқига ваколатли орган томонидан халқаро стандартлар талабларига мувофиқ аккредитация қилинган инспекция органлари эга;

инспекция органларининг хизматлари, шу жумладан, юк ортишдан олдин инспекциядан ўтказиш хизматлари учун ҳақ тўлаш уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги банкларда очилган ҳисоб рақамлари орқали амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган товарлар сифати, миқдори ва нархларининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қoшидаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКда (кейинги ўринларда — Марказ) рўйхатдан ўтган импорт контрактлари шартларига мувофиқлигини таъминлаш бўйича зарур чораларни кўриш учун жавобгарлик импорт қилувчининг мансабдор шахслари зиммасига юклатилади;

(Давоми 2-бетда).

Афғонистон бўйича Тошкент халқаро конференцияси минтақада осойишталик ва барқарорликни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди



Президентимиз ташаббуси билан «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида Афғонистон бўйича Тошкент халқаро конференцияси ўтказилди. Афғонистон бўйича Тошкент конференцияси матбуот маркази мазкур нуфузли анжуманнинг минтақа ҳамда халқаро миқёсдаги аҳамияти, Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳамда истиқболлари юзасидан экспертлар, шарқшунос олимлар, депутат ва сенаторлар, сиёсатчилар иштирокида тадбирлар, сессиялар ўтказмоқда.

Мухбирларимиз ушбу анжуманлар иштирокчиларининг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олди.

2-3 бетларда.

ТОШКЕНТ — АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА ТИНЧЛИК МУЗОКАРАЛАРИ МЕЗБОНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтказилаётган «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси доирасида 26 март куни пойтахтимизда «Европа иттифоқи — Марказий Осиё» форматида ташқи ишлар вазирларининг навбатдаги учрашуви ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Қайрат Абдрахманов, Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири Эрлан Абдилдаев, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири

Сироҷиддин Аслово, Туркманистон ташқи ишлар вазири ўринбосари Вела Хаджиев ва Еврокомиссия президенти ўринбосари, Европа иттифонининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Федерика Могерини минтақаларо ҳамкорликнинг долзарб ма-

салаларини муҳокама қилди. Афғонистон Евроосиё минтақасидаги ноёб стратегик ва трансгеографик имкониятларга эга мамлакат сифатида Марказий Осиёнинг ажралмас қисми бўлиб келган. Минтақа халқларини умумий тарих, дин, маданият ва урф-одатлар бирлаштириб туради. Тинч Афғонистон Марказий Осиё мамлакатларига Ҳинд океани ва Форс кўрфази портларига энг қисқа йўл орқали чиқиб, Ҳиндистон, Эрон ҳамда Покистонни Европа ва бошқа минтақалар билан боғлаш имконини беради. Шу боис нафақат Марказий

Осиё, балки қўшни минтақалардаги барқарорлик ва изчил тараққиёт Афғонистонда тинчлик ва осойишталик ўрнатилиши билан узвий боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Президентлик фаолиятининг илк кунлариданоқ Афғонистон билан кўп қиррали ҳамкорликни янада фаоллаштириш ҳамда ушбу мамлакатда тез фурсатда тинчлик, барқарорлик ўрнатилиши, унинг иқтисодий ва транс-порт инфратузилмаси тикланишига қўмаклашиш тарафдори эканини билдирган эди.

(Давоми 2-бетда).

Томас ШЭННОН: ЎЗБЕКИСТОН РАҲБАРИАТИНИНГ АФҒОНИСТОНДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ЎРНАТИШ БОРАСИДАГИ ТАШАББУСЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ

Ўзбекистон минтақа давлатлари, хусусан, Афғонистон билан ўзаро ҳамкорликни изчил ривожлантиришда. Шу кунларда пойтахтимизда «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси бўлиб ўтмоқда.

Унда иштирок этиш учун келган АҚШ Давлат котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Томас ШЭННОН бу ҳақда ўз муҳаббатига қўйидагиларни сўзлаб берди:

— Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида муҳим ўрин тутди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, ўзаро қўшилиш алоқаларини мустаҳкамлаш, чегара, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ масалаларга тезкор ечим топиш борасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаймиз.

Президент Шавкат Мирзиёев билан бугунги учрашувни ўзим учун шараф, деб биламан. Сухбатимиз кенг қамровли ва жуда мазмунли ўтди. Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, ушбу мамлакатнинг тинч ривожланишини таъминлаш-



га қўмаклашиш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон раҳбари билан суҳбатда шу масалада ҳамкорлик имкониятларини кўриб чиқдик. Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент конференциясида йирик давлатлар қаторида Марказий Осиё мамлакатларининг ҳам ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари иштирок этаётгани ушбу муаммонга халқаро миқёсда нақадар кенг ёндаши-лаётганини кўрсатади.

ЎзА мухбири З. ЖОНИБЕКОВ ёзиб олди.

«ТОМОРҚАГА ЭКИН ЭКИШ» ОЙЛИГИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 23 март куни қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва ислохотларни чуқурлаштириш бўйича ишлар натижадорлигига бағишланган йиғилишда «Чўп суқсанг, кўкарадиган еримиз бор, меҳнатсевар халқимиз бор. Лекин томорқа ерларидан — шундай катта резервдан фойдаланмай-қилимиз. Шунинг учун бугундан бошлаб «Томорқага экин экиш» ойлигини эълон қилиб, ҳар бир томорқага экин экишни ташкил этиш керак. Агар ҳозир экмасак, кейин кеч бўлади», дея алоҳида таъкидлади.

Томорқа — ҳазина. Бугун мамлакатимизда унинг ҳар қаричини даромад манбаига айлантириш масаласи устувор вазифага айланган. «Халқ сўзи» газетасида ушбу ойлик доирасида туркум мақолалар чоп этиш режалаштирилган. Уларнинг дастлабкилари билан газетамизнинг 4-саҳифасида танишасиз.



ЕРИ БИР, ДИНИ БИР, ҚОНДОШУ ЖОНДОШ

дўсту қадрдонлар кўнглида баҳор уйғонди



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сайловди дастурларида ўз ифодасини топган, Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Марказий Осиё — бош устувор йўналиш» дея эълон қилинган тамойил жамиятимизга тоза ҳаво олиб кирди. Табиатда эса Наврўзи олам туфайли янгиланиш ҳўқи сурмоқда. Та-

биат ва жамият уйғунлиги туфайли шаҳар-кентларга кўкдан файзу барақа ёғилади. Шу маънода, барча байрамлар орасида инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатига киритилган Наврўзнинг ўрни ўзгача. Унда бағрикенглик, қадр-қиммат,

оқибат, раҳмдиллик сингари инсоний фазилатларга кенг ўрин берилгани турли мураккаб даврларда ҳам жамият ҳаётига ижобий таъсир қилиб, келишмовчиликларни бартараф этишда юксак аҳамиятга молик бўлган.

(Давоми 6-бетда).

Афғонистон бўйича Тошкент минтақада осойишталик ва барқарорликни

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ТАШҚИ САВДОНИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА САВДО ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

давлат божхона хизмати органлари Марказда рўйхатдан ўтган импорт контрактлари доирасида эркин муомалага чиқарилган товарларнинг миқдори ва нархлари ҳақидаги маълумотларни ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда Марказга тақдим этади.

3. Давлат органлари ва ташкилотларига, шунингдек, тижорат банкларига юк ортишдан олдин инспекцияни ўтказувчи инспекция органини танлаш ҳақида импорт қилувчиларга тавсиялар бериш таққилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги Солиқ, валютга оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти "Ўзстандарт" агентлиги ва Давлат божхона кўмитаси билан биргаликда икки ой мuddатда, мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, давлат манфаатларига етказилган зарарни қоплаш кафолатларини таъминловчи механизмларни жорий этган ҳолда импорт қилувчилар ва ваколатли давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш бўйича таклифлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой мuddатда аккредитация объектлари томонидан ваколатли органга ўтказиладиган тўловларни ундириш шартлари ва миқдорларининг танқидий қайта кўриб чиқилишини таъминласин.

6. Белгилансинки, Марказ фаолияти соҳаси татбиқ этиладиган товарлар, ишлар ва хизматлар харидларини ўтказиш (харид тартиботларини бажариш, реклама ишларини ташкил этиш, тендер ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш ва бошқалар) бўйича ихтисослашган ташкилотни танлаш Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги томонидан ўрнатилган талабларга жавоб берадиган ихтисослашган ташкилотлар орасидан танлов асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги бир ой мuddатда давлат харидларини ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатиш ҳуқуқига эга ихтисослашган ташкилотларга қўйиладиган талабларни, шунингдек, давлат харидларини ўтказиш доирасида ихтисослашган ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар турлари рўйхатини ўрнатилган тартибда белгиласин.

7. "Ўзстандарт" агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой мuddатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш. М. Садиқов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О. Б. Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 24 март

КОНФЕРЕНЦИЯ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жағғармаси (ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида "Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим сифати ва қаровинини оширишда инновацион ёндашувлар" мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

Мактабгача таълим сифатини юксалтиришда инновацион ёндашувлар

Мутасадди вазирлик ҳамда идоралар вакиллари, миллий ва халқаро экспертлар катнашган тадбирда давлат ҳамда хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик орқали Ўзбекистонда мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш, шунингдек, боғчаларда таълим-тарбия фаолиятини бошқаришнинг замонавий ёндашувларини муҳокама қилди. Давлат-хусусий сектор ҳамкорлигини амалга оширишнинг ташкилий масалаларини ва механизмларини кўриб чиқдилар. Мактабгача таълим муассасаларида таълим ҳамда ривожланиш муҳитини яхшилаш бўйича тавсиялар бердилар. Халқаро экспертлар ушбу соҳадаги илгор халқаро тажрибани тақдим этдилар.

— Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, кичик ёшли болалар таълим-тарбиясига сармоя киритиш доимо истиқболдир. — дейди ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Саша Грауманн. — Бирок

3 — 7 ёшдаги 2,6 миллион нафар болани мактабгача таълимга қамраб олиш ҳақида гап борар экан, бу осон вазифа эмас. Мактабгача таълим вазирлиги болаларнинг эрта таълимини устувор масала қилиб қўйган ва Ўзбекистонда универсал мактабгача таълимни таъминлаш мақсадида давлат-хусусий сектор ҳамкорлигининг инновацион моделларини кўриб чиқётгани ва масалани самарали ҳал этишда кенг имкониятлар яратди.

Тадбирда мамлакатимизда мактабгача таълим қаровини янада кенгайтириш ҳамда самарадорлигини ошириш, соҳада давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини кўллаб-қувватлаш учун ҳуқуқий ҳамда меъёрий муҳитни янада яхшилаш бўйича истиқболли таклифлар ўртага ташланди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ. Ақмалов иштирок этди. Дилшод ҚАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Содиқ САФОЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари:

— Афғонистон бўйича халқаро конференция нима учун Тошкентда ўтказилмоқда? Бунга, фикримча, учта омил бор. Биринчидан, тадқиқотчилар ҳамда сиёсатчилар шуни эътироф этаяптики, бугун Марказий Осиёда батамом янги сиёсий муҳит вужудга келди. Яъни минтақавий дастурларни, жумладан, Афғонистон можаросини муштарак ёндашувлар асосида ҳал қилишга замин яратилди. Иккинчидан, охириги бир йил давомида Тошкентнинг халқаро жаҳада тугган ўрни бутунлай ўзгарди. Буни объектив воқелик сифатида барча тан олмақда. Олиб борилаётган фаол минтақавий сиёсат натижасида Ўзбекистоннинг обрўи, таъсири, тугган ўрни ошиб бораётди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббусига эътибор катта бўлмоқда. БМТ БУО Ассамблеясининг 72-сессиясида Юртбошимиз мазкур конференциянинг аниқ фалсафасини белгилаб берувчи концептуал фикрларни билдирди. Алоҳида қайд этиш керакики, Афғонистон муаммоси гарчи глобал муаммолардан бири бўлса-да, 200 га яқин давлатлар раҳбарларидан санокчилирига ушбу муаммага халқаро ҳамжамият эътиборини қаратди. Учинчидан, кўп йиллар мобайнида Афғонистон муаммосини ҳал қилишга қаратилган турли ҳаракатлар бўлди. Ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама мулоқотлар ташкил этилди, конференциялар ўтказилди. Бу ерга каттадан-катта маблағлар йўналтирилди. Техник ҳамда ҳарбий ёрдам кўлами оширилди. Назаримда, афғон можаросидаги асосий зиддият шундаки, бу ерда қурол-аслаҳа, молиявий маблағлар бисёр, ортиги билан. Лекин дипломатия, сиёсат танқислиги сезилмоқда. Тошкент конференцияси айнан шу дефицитни, яъни дипломатия ва сиёсат танқислигини тўлдирди. Шунинг учун ҳам халқаро ҳамжамиятнинг мазкур анжуманга эътибори ниҳоятда катта.

Марказий Осиё давлатлари, шу жумладан, Ўзбекистон учун транспорт йўлакларини барпо қилиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда мамлакатимиз чикаётган энг яқин денгиз портлари 3000 километр узоқликда жойлашган. Ўзбекистондан ўша портларга боришга ўртача 20 — 22 кун



кетеди. Бу, экспертлар ҳисоб-китобига кўра, Ўзбекистондаги экспорт-импорт операциялари ўртача 15 — 17 фойз қимматлашувига сабаб бўлапти. Трансафгон йўлига очилса, мазкур масофа 2-3 кунгача қисқаради. Бу нафақат минтақа, балки Афғонистон учун ҳам катта аҳамият касб этади. Шу маънода айтганда, ушбу мамлакатда тинчлик ўрнатилиши минтақада барқарор ривожланишнинг асосий омил бўлади, айни пайтда Осиёнинг Европа давлатлари билан савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорлигини фаоллаштириш, транспорт-транспорт имкониятлари интеграциялашувини таъминлаш имконини ҳам беради.

Алишер ҚУРМАНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси раиси:

— Ҳақиқатан ҳам, охириги йил давомида Тошкентнинг халқаро жаҳада тугган ўрни бутунлай ўзгарди. Буни объектив воқелик сифатида барча тан олмақда. Олиб борилаётган фаол минтақавий сиёсат натижасида Ўзбекистоннинг обрўи, таъсири, тугган ўрни ошиб бораётди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббусига эътибор катта бўлмоқда. БМТ БУО Ассамблеясининг 72-сессиясида Юртбошимиз мазкур конференциянинг аниқ фалсафасини белгилаб берувчи концептуал фикрларни билдирди. Алоҳида қайд этиш керакики, Афғонистон муаммоси гарчи глобал муаммолардан бири бўлса-да, 200 га яқин давлатлар раҳбарларидан санокчилирига ушбу муаммага халқаро ҳамжамият эътиборини қаратди. Учинчидан, кўп йиллар мобайнида Афғонистон муаммосини ҳал қилишга қаратилган турли ҳаракатлар бўлди. Ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама мулоқотлар ташкил этилди, конференциялар ўтказилди. Бу ерга каттадан-катта маблағлар йўналтирилди. Техник ҳамда ҳарбий ёрдам кўлами оширилди. Назаримда, афғон можаросидаги асосий зиддият шундаки, бу ерда қурол-аслаҳа, молиявий маблағлар бисёр, ортиги билан. Лекин дипломатия, сиёсат танқислиги сезилмоқда. Тошкент конференцияси айнан шу дефицитни, яъни дипломатия ва сиёсат танқислигини тўлдирди. Шунинг учун ҳам халқаро ҳамжамиятнинг мазкур анжуманга эътибори ниҳоятда катта.

Марказий Осиё давлатлари, шу жумладан, Ўзбекистон учун транспорт йўлакларини барпо қилиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда мамлакатимиз чикаётган энг яқин денгиз портлари 3000 километр узоқликда жойлашган. Ўзбекистондан ўша портларга боришга ўртача 20 — 22 кун кетеди. Бу, экспертлар ҳисоб-китобига кўра, Ўзбекистондаги экспорт-импорт операциялари ўртача 15 — 17 фойз қимматлашувига сабаб бўлапти. Трансафгон йўлига очилса, мазкур масофа 2-3 кунгача қисқаради. Бу нафақат минтақа, балки Афғонистон учун ҳам катта аҳамият касб этади. Шу маънода айтганда, ушбу мамлакатда тинчлик ўрнатилиши минтақада барқарор ривожланишнинг асосий омил бўлади, айни пайтда Осиёнинг Европа давлатлари билан савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорлигини фаоллаштириш, транспорт-транспорт имкониятлари интеграциялашувини таъминлаш имконини ҳам беради.

ТОШКЕНТ — АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА ТИНЧЛИК МУЗОКАРАЛАРИ МЕЗБОНИ

Давлатимиз раҳбари энг нуфузли минбарлардан туриб, Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашда Афғонистонда тинчлик ўрнатиш стратегик аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади. Хусусан, Шавкат Мирзиёев 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида ҳамда ноябрь ойида Самарқандда БМТ шафелигада ўтказилган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқида Марказий Осиёдаги хавфсизликка таҳдидларни «ўзиники ва ўзгаларники» деб ажратишдан возе кечиш, «яқлит хавфсизлик» тамойилига амалда рия қилиш зарурлиги, қўшни мамлакатдаги тинчлик фақат музокаралар билан эришиш мумкинлигини таъкидлади. Зеро, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш нафақат минтақавий, балки глобал хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шартидир.

Президентимиз шу нуктаи назардан жаҳон афкор оммаси эътиборини афғон можаросини ҳал қилишини ягона йўли — марказий ҳукумат ва мамлакат ичидидаги асосий сиёсий кучлар ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориш эканига қаратади. Халқаро таҳлил марказлари қайд этаётганидек, Тошкентда Афғонистон бўйича ўтказилган юқори даражадаги халқаро конференция Ўзбекистоннинг янги ташқи сиёсати стратегиясининг амалий натижаси сифатида ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро миқёсдаги қўшма саъй-ҳаракатларга кенг йўл очди.

Кейинги пайтларда Ўзбекистон — Афғонистон ҳамкорлигини ривожлантиришда изчил ўсишга эришилди. 2017 йилда мамлакатларимизнинг дўстона муносабатлари томонлар ҳамкорлиги учун янги истиқбол эшикларини очди. Давлатларимиз раҳбарларининг мунтазамлик касб этган мулоқотлари биргаликдаги ҳамкорликка янги суръат бағишлади. Президентлар дўстона, самимий ва ўзаро ишончга асосланган мулоқотни йўлга қўйишга эришилди. Утган йил декабрь ойида Афғонистон Президентини Ашраф Фанининг Ўзбекистонга ташрифи икки давлат муносабатларида янги саҳифа очди.

Ташриф якунига кўра, сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларга оид 20 ҳужжат имзоланди. Ҳужжатларнинг аксарияти нафақат Афғонистон ва Ўзбекистон, балки бутун минтақа учун стратегик аҳамият касб этади. Жумладан, ўзбекистонлик мутахассислар томонидан Мозори Шариф — Ҳирот темир йўли ва Сурхон — Пули Хумри электр узатиш линияси қуриш бўйича йирик лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишувларга эришилди. Мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши Афғонистон иқтисодиёти ривожланиши ва афғон халқи турмуши яхшиланишига хизмат қилади. Ўзбекистоннинг Афғонистонга дўстона муносабати, мамлакатимизнинг афғон халқига кўмаклашишга тайёр экани рами сифатида Термиз шаҳрида Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази ташкил этилди. Марказда айни пайтда афғонистонлик 96 йилгит-қиз таҳсил олмақда. Мамлакатларимиз ва идоралари ўртасида ўзаро мулоқот фаоллашди. Утган бир ярим йил ичида Афғонистондан мамлакатимизга 20 дан ортиқ делегациялар ташриф буюрди. Қайд этиш керакики, бундай кўламли делегациялар алмашуви ўзбек — афғон муносабатларида илгари кузатилмаган. Буларнинг барчаси икки томонлама ҳамкорликка янги чина шуқуқ бағишламоқда.

Ушбу мулоқотлар афғонистонлик мутахассислар томонидан Мозори Шариф — Ҳирот темир йўли ва Сурхон — Пули Хумри электр узатиш линияси қуриш бўйича йирик лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишувларга эришилди. Мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши Афғонистон иқтисодиёти ривожланиши ва афғон халқи турмуши яхшиланишига хизмат қилади.

Кенг жалб қилиш кутилмоқда. Бинобарин, Афғонистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан савдо-иқтисодий ҳамда инфратузилма алоқалари тизимига муваффақиятли интеграцияси, умумминтақавий миқёсдаги аниқ лойиҳа ва дастурларнинг самарали амалга оширилишига хизмат қилади.

Кодир ЖўРАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Ўзбекистон жафокаш афғон заминида тинчлик ўрнатилишидан энг кўп манфаатдор давлат саналади. Бугунги кунда мамлакатимиз қўшни давлатда узоқ мuddатли барқарорлик ҳамда тинчлик сақланишининг қатъий тарафдорини сифатида бу мамлакатга нисбатан аънаваный тарзда яхши қўшничилик ва дўстона сиёсат юритаётганлигини қузатишимиз мумкин.

Олдин афғон муаммосини ҳал қилиш бўйича қатор анжуманлар бўлиб ўтган. Шу жумладан, Тошкент шаҳрида ҳам. Бу галги халқаро конференция эса бутунлай янги шариоатда ташкил этилмоқда. Халқаро анжуманнинг формати ҳам, иштирокчилар сони ҳам олдингиларидан принципиал жиҳатдан фарқ қилади. Конференцияда 20 дан ортиқ мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар делегациялари катнашмоқда.

Бу галги халқаро конференцияда Афғонистон ҳукумати билан "Толибон" ҳаракати ўртасида ҳеч қандай дастлабки шартларни илгари сурмасдан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш учун янги платформага асос солиш режалаштирилмоқда. Бошқача айтганда, олдинги анжуманлардан фарқли ўларок, Афғонистонда расмий ҳукумат бир томондан, қуролли муҳолифат иккинчи томондан миллий консенсус ҳамда ўзаро ярашувни таъминлаш учун муҳим бир механизмга шарт бериш кўзда тутилмоқда. Ушбу механизмни жорий этишдан кутилган асосий мақсад эса қуролли муҳолифат Афғонистоннинг сиёсий ҳаётига кафолатли интеграция қилиниши ва қонуний сиёсий куч сифатида эътироф этилишини таъминлашдан иборат.

Тошкент конференцияси ҳақидаги ташаббусни илгари сураган экан, Ўзбекистон уни бир мартали тадбир сифатида ўтказиш билан чекланиб қолмай, ундан кейин ҳам икки ҳамда кўп томонлама муносабатлар



доирасида Афғонистонда тинчлик ўрнатиш борасидаги сиёсий жараёнга кўмаклашишга ўз хиссасини қўйишда давом этади. Конференция яқини бўйича Тошкент декларациясини қабул қилиш режалаштирилган бўлиб, унда қуйидаги муҳим жиҳатлар ўз аксини топиши кўзда тутилмоқда. Шубҳасиз, Тошкентда бўлиб ўтаётган мазкур халқаро конференция Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, унинг барқарор ривожланиши учун шариоат яратиш, афғон халқининг фаровонлигини ошириш ва унинг минтақа ҳамда бутун дунёдаги ижобий жараёнларга жалб этилишини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Жамшид ХўЖАЕВ, Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо вазири:

— Афғонистон Ўзбекистон ташқи савдо-сиёсатида муҳим аҳамиятга эга. У ҳамкор давлатларимиз орасида бешинчи ўринда туради. 2017 йилнинг якунлари ни хисоб-китоб қилганимизда, шу нарса аён бўлдики, ўзаро савдо айланмаси 617 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу кўшни давлатлар орасида иккинчи ўринда туради, деганидир. 2018 йил учун олдимизга жуда катта вазифаларни қўйганмиз. Афғонистон Президентининг 2017 йил декабрь ойида мамлакатимизга ташрифи давомида 500 миллион долларлик шартномалар имзоланди. Бугунги кундаги мамлакатимиз потенциалини инobatга оладиган бўлса, ҳозирги пайтга қадар савдо таркибида электр энергияси, қора металллар асосий ўрин эгаллашди. Биз 2018 йилда ва кейинги йилларда уни тубдан диверсификация қилишни ўйлашимиз керак. Афғонистон 36 миллиондан ортиқ аҳолиси билан катта бозор имконияти ҳамдир. Масалан, Афғонистоннинг импорти 6,5 миллиард доллардан ортиқроқни ташкил этиди. Бу бизнинг умумий савдо айланамизнинг 10 фойзи атрофида деганидир. Афғонистон бизда ишлаб чиқарилган қайси товарларни импорт қилиши мумкин, деган саволга жавоб излаганимизда шу нарса аён бўлдики, Ўзбекистоннинг 3 миллиард доллардан ортиқ турдош маҳсулотларини импорт қилган. Масалан, ўтган йили 500 минг долларлик фармацевтика маҳсулотларини етказиб беришга шартнома имзолаган эдик.



ЭЛЧИЛАР: «Қўшни давлатлар ўртасидаги муносабатлар тобора мустаҳкамланиб бормоқда»

Сайид Шаҳобиддин ТИМУРИЙ, Афғонистон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор элчиси:

— "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусидаги халқаро анжуман фақатгина Афғонистон учун эмас, балки бутун Марказий Осиё тарққийти учун муҳим ўрин тутди. Форумда минтақадаги энг долзарб масала юзасидан фикр алмашилди. Айни шу жиҳат ҳам конференциянинг нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини ифодалади.

Кейинги вақтда минтақамизда қўшни давлатлар ўртасидаги муносабатлар тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бу барчамиз учун ҳар томонлама фойдалидир.

Бугунги кунда Афғонистонда армия томонидан терроризмга қарши кураш олиб боришмоқда. Ўзбекистон ташаббуси билан ўтказилаётган нуфузли анжуман эса Афғонистонда фаровонликни таъминлашга хизмат қилади.

Содиқ ИМОВИЙ, Тожикистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор элчиси:

— Афғонистонда барқарорлик ўрнатилиши бутун Марказий Осиё учун жуда керак. Уйлайманки, бу мамлакатда тинчлик таъминланишида шу мақсадга қаратилган мулоқот майдонини алоҳида аҳамият касб этади. Афғон халқи ҳам бу жараёнда асосий ўрин тутади, мавжуд муаммоларга қатъий қарши туриши даркор. Бинобарин, афғон муаммосининг асосий ечимини, аввало, афғон халқининг қўлида. Биз қўшнилари эса уларга яқиндан ёрдам берамиз.

Шу жиҳатдан Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтказилаётган "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусида Афғонистон бўйича Тошкент халқаро конференциясини юқори баҳолаймиз.

Тожикистон мазкур анжуманда фаол иштирок этаяпти. Бу масалада ҳамкорлар билан афғон тинчилиги реал воқеликка айланиши учун ҳаракат қиламиз.

Ў.А.

халқаро конференцияси мустақамлашда муҳим ўрин тутди

Улар эса яна 25 миллион долларлик дори воситаларини сотиб олиш истагини билдиришди. Бундай имконият тўқимачилик тармоғида ҳам мавжуд. Чунки Афғонистонда йилга 100 миллион долларлик тўқимачилик маҳсулотларига давлат буюртмаси бор. Бундан ҳам бизнинг тадбиркорларимиз фаол фойдаланишлари мумкин.

Шароф РАҲМОНОВ, "UzTrade" компанияси бошқаруви раиси:



— Ўзбекистон ҳамда Афғонистон раҳбарларининг учрашуви чоғида эришилган келишувларга мувофиқ, "UzTrade" компаниясининг Мозори Шарифда савдо уйи очилди, ушбу савдо уйи доимий фаолият юритадиган кўрғазма зали (шоу-рум)га эга. Унда юртимизнинг турли товарлари, жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, машиналар, машиналар воситалари, кимё, қурилиш материаллари ва бошқалар ўрин олган. Шоу-рум чакана-улгурчи савдо амалиётларини баҳарий имкониятга эга бўлиб, афғонистонлик шериклар учун кенг турдаги ўзбек маҳсулотлари тақдим этилган.

2017 йилда компаниямиз ушбу мамлакатга 24 миллион долларлик маҳсулотларни экспорт қилди. Мазкур экспорт фаолиятида юртимизнинг 9 та ҳудудидан 26 та қорхона иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари бошчилигида амалга оширилаётган савдо-иқтисодий натижа-сида бир йил ичида имзоланган шартнома-лар кўлами уч баравар ошди. Хусусан, компаниямиз томонидан 2018-2019 йиллар учун 65 миллион долларлик шартномалар имзо-ланди. Жорий йилда экспорт фаолиятига 12 та ҳудуддан 50 дан зиёд компанияларни жалб қилиш, товарлар турини эса 40 тага етказишни мўлжаллаганмиз. Ҳозирги кунда Хирот, Кобул, Қундуз, Қандаҳор, Шибиргон сингари шаҳарларда савдо ўйимизнинг саккизта филиалини очиб бўйича музока-ралар олиб бораёмиз. Бинобарин, ўзбек товарлари Афғонистонда ўз нархи ҳамда сифати билан катта талабга эга. Бугун юртимиз маҳсулотлари ушбу мамлакатда Покистон ва Ҳиндистон товарлари билан муносиб рақобат қилаётган. Қисқача айтган-да, икки томонлама савдо алоқаларининг кенгайиши мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг янада мустақамлашишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Шухрат ШЕРАЛИЕВ, "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти раиси ўринбосари:



— Компаниямиз Афғонистонга 2002 йилдан бери электр энергияси етказиб беради. Ушбу йилга 62 миллион кВт соат электр энергияси экспорт қилинган. Электр узатиш линиясининг қуввати 10 кВни ташкил этар эди. Максимал қувват эса 5 мВТдан ошмасди. Ўтган давр мобайнида бу кўрсаткич кескин кўпайди. Масалан, жорий йилда 2 миллиард кВт соат электр энергиясини етказиб бериш кўзда тутилган.

Афғонистон Президентининг мамлакатимизга ташрифи давомида имзоланган Сурхон — Пули Хумри электр узатиш линиясини қуриш бўйича битимнинг амалга оширилиши туфайли мазкур кўрсаткич 70 фоиз оши-ши кутилапти. Лойиҳанинг асосий мақсади Афғонистон билан яхши қўнанишлик муно-сабатларини янада ривожлантириш ҳамда яхшилаш, мамлакатнинг иқтисодий-ижтимо-ий рақобатига, аҳоли турмуш сифати оши-шига кўмаклашиш, мазкур мамлакатга электр энергияси экспортини кўпайтириш-дир. Шу билан бирга, лойиҳа Афғонистонга суткасига 24 миллион, йилга эса 6 милли-ард кВт соатгача электр энергиясини узлуқ-сиз етказиб бериш имкониятини яратди. Мазкур электр узатиш линиясининг умумий узунлиги 260 километр бўлиб, унинг 45 километри Ўзбекистон, 215 километри Афғонистон ҳудудидан ўтади. Лойиҳани амалга ошириш учун, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, тахминан 150 миллион доллар йў-налтирилади ҳамда 2020 йилнинг охирига қадар ишга туширилиши кутилапти. Асосий ишлар жорий йилнинг июнь ойидан бош-ланиши режалаштирилмоқда. Қайд этиш керакки, мамлакатимиз ҳудудидан ушбу лойиҳани амалга оширишга аллақачон киришилган.

Акмал КАМОЛОВ, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти раиси ўринбосари:

— Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, 2009 йилда Хайратон ва Мозори Шариф биринчи афғон темир йўлини қуриш лойиҳасидаги битим имзоланган эди. Бу лойиҳа муддатидан олдин, яъни 11 ойда фойдала-нишга топширилди. Ўтган даврдан ушбу транспорт йўлаги орқали 20 миллион тонна-

дан ортқ юк ташилди. Шу-нинг 5,5 миллион тоннага яқини юртимиз-нинг экспорт то-варлари бўлди. Биргина ўтган йилнинг ўзига Афғонистонга 1 миллион тон-надан ортинини етказиб бердик.

Афғонистон темир йўл тизимини кенгай-тириш бўйича савдо-иқтисодий кенгай-тириш пайтларда бир оз сусайиб қолган эди. Президентимиз ташаббуси билан мазкур лойиҳа фаолаштирилди. Ўтган йили Афғонистон Президентининг Ўзбекистонга таш-рифи давомида мана шу темир йўлини қуриш бўйича ҳукуматлараро келишувга эришил-ди. Унга мувофиқ, Мозори Шарифдан Хирот шаҳрига қадар 657 километрлик йўналиш келишиб олинди. Уни "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ лойиҳалаштирадиган бўлди. Январ ойида Афғонистон тарафи учун ушбу лойиҳа тақдими ўтказилди. Февраль ойи-да икки мамлакат темир йўлчилари учра-шиб, "йўл харитаси" ишлаб чиқилди. Даст-лабки ҳисоб-китоблар асосида ўнлаб кўприк-лар қурилиши, иккита катта тоннелни қуриш режалаштириляпти. Апрель ойида жойига чиқиб, йўналиш ўрганилади ҳамда унинг техник-иқтисодий асоси тайёрланади.

Акмалжон УМИРЗОҚОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:



— Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган 1992 йилдан буён турли соҳа-ларга оид 47 та ҳужжат имзо-ланган. Шундан 3 таси давлат-лараро, 14 таси ҳукуматлараро ҳужжатдир. Мунтазам ташкил этиб келинаётган турли даражадаги учра-шувлар чоғида 20 га яқин шартномалар ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинган. Эътибор-лиси, мазкур ҳужжатларнинг 17 таси сиёсий ҳамда хавфсизлик соҳасига тааллуқлидир. 15 таси бевоқифа транспорт, транзит ва ло-гистика соҳаларига оид. Маданий-гумани-тар ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари ҳам то-бора чуқурлаштириб бориляпти. Ўтган йили Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Афғонистоннинг Жамоат соғлиғини

сақлаш вазирлиги ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Афғонистон Олий таълим вазирлиги ўртасида тузилган келишувлар таълим, маданий-гуманитар ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини ташкил этмоқда. Бундан ташқари, яна ўртта шартнома лойиҳалари тайёрланган бўлиб, улар судланганларни ва маҳкумларни бериш, икки мамлакат ўртаси-да ҳаво алоқаси, Ўзбекистон ҳамда Афғонис-тон фуқароларининг ўзаро борди-келдиси ва темир йўл транспортига оид ҳужжатлар-ни келтириш мумкин. Яқинда парламент уйи палатаси томонидан Фуқаролик, оилавий ва жинсий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғри-сидаги шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги қонун қабул қилинди ҳамда Сенатга юборилди.

Абдусамат ҲАЙДАРОВ, сиёсий фанлар доктори, эксперт:



— БМТ афғон можаросини ҳал этиш борасида улкан салоҳиятга эга. Гап бу ерда Афғонис-тон халқини ҳар томонлама қўллаб-қувват-лаш ҳақида эмас, балки мамлакат атрофидаги чора-фаришлар хусусида ҳам бораёпти. Муам-мога кенгроқ ёндашиш, қўшни давлатлар-нинг, дунё ҳамжамиятининг савдо-иқтисодий-ларини бирлаштириш зарур.

БМТ миссияси, авваломбор, Афғонистон-нинг ичида мулоқот ўрнатишда муҳим роль ўйнайди. Аммо шунинг унутмаслик керакки, бу салоҳиятдан тўлақонли фойдаланилмаяпти. Бу борада янги ташаббуслар илгари сурилиши, қўшниларни ўзаро мулоқотга ундаш айни заруратдир. ШХТ, ИХТ сингари бошқа халқаро ташкилотларнинг салоҳияти ҳам бу борада алоҳида аҳамиятга эга. Уларнинг савдо-иқ-тисодий бирлаштирилганда сезиларли нати-жаларга эришиш мумкин. Дунё ҳамжамияти олдида турган асосий масалалардан бири тинчлик жараёнини қандай йўлга қўя олиш-дир. Тошкент конференцияси айнан шу жи-ҳатдан мазкур муаммага оқилона ечим то-пишга қаратилган. Глобал муаммолардан бири халқаро терроризмдир. Афғонистон ҳудудидан кўп қабил рақиб гуруҳлар фаолият юритаёпти. Аммо Афғонистон ҳукумати томонидан қўрилаётган чора-тадбирлар тў-лақонли самара бераёпти, деб бўлмайди. Биз бу борада ушбу мамлакатга кўмаклашиши-миз керак. Чунки бу умумий вазифадир.

«Ўзбекистон бу жабҳада бебаҳо ташаббусга бош-қош бўлмоқда»



Пойтахтимизда давом этаётган "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусидаги Афғонистон бўйича Тошкент халқаро конференция-сини 300 дан зиёд маҳаллий ҳамда хорижий оммавий ахборот воситалари ёритмоқда.

ЭЪТИРОФ

Тожикистоннинг "Азия плюс" ахборот агентлиги ходими Аваз Йўлдошев мухбирларимиз билан мулоқотда ушбу анжуман-нинг аҳамияти ва Ўзбеки-стон — Тожикистон муноса-батларининг янги даври ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди:

— Биринчи навбатда, Ўзбекистон томонига ушбу тадбирни кенг миқёсда ёритишга алоҳида эътибор қаратаётгани учун миннат-дорлик билдираман.

Шавкат Мирзиёев ўзи-нинг бир ярим йилга яқин Президентлик фаолиятида биргина Ўзбекистоннинг етакчиси эмас, шу билан бирга, Марказий Осиёнинг умумий миқёсда тан олин-ган етакчиси эканлигини намоён қилди. Мен бу ҳақда тожик матбуотида бир неча бор чиқиш қилдим. Йиллар давомида тўпаланиб қолган муаммоларни, айниқса, қўшни давлатлар, хусусан, Ватаним Тожикистон билан чигал масалаларни қисқа вақт ораллигида ҳал этди. Мана, яқинда Шавкат Миромонович Тожикистон-га давлат ташрифи билан борди. Мен салкам олтинчи ёшдаман. Шу кунгача дунё-нинг ҳеч бир мамлакатиде минглаб халқ вакиллари-нинг ўз хоҳиши билан бош-қа давлат Президентини бу даражада катта ҳурмат ва қувонч билан кутиб олгани-ни кўрмаган эдим. Ушбу куну Ўзбекистон етакчисининг самолёти Душанбега қўнганда ёмғир ёғаётган эди. Ноқулай об-ҳаво бўли-шига қарамай, 50 мингга яқин тожикистонликлар Шавкат Мирзиёев ҳамда Имомали Раҳмонни кутиб олишга чиқди. Ўзбекистон Президенти тожик замини-

га қадам қўйиши билан ёмғир ҳам тўхтаб, бирдан ҳаво очилиб, кўёш чараклаб кетди. Бунда ҳам барака, кутлуг қадам ифодаси бор. Ташриф яқунлари бўйи-ча икки мамлакат ўртасида савдо, иқтисодий, инвес-тиция, молия, транспорт ва транзит, қишлоқ хўжалиги, сув-энергетика, солиқ, бож-хона, туризм, фан-таълим, соғлиқни сақлаш, мадани-ят, хавфсизлик ҳамда жи-ноятчиликка қарши ку-рашиш соҳаларидаги ҳам-корлик ва хуудлараро ало-қаларни ривожлантиришга доир 27 та ҳужжат имзо-ланди, шу пайтгача тарихда қузилмаган даражадаги бизнес келишувларга эришилди.

Шавкат Мирзиёев ўз фаолиятида давлат раҳбари халқ учун қандай хизмат қилиши кераклигини кўрсати-б бераёпти. У фақат Ўзбе-кистоннинг ривожланишини эмас, қўшни давлатлар аҳолисининг ҳам тинч-тотув, роҳат-фароғатда яшашини истайди. Афғонистон бўйи-ча ташкил этилган Тошкент конференцияси Шавкат Миромоновичнинг ана шу инсонпарварлик хислати-нинг муҳим маъсулидир. Биз ҳам Афғонистонда тинчлик бўлишини хоҳлаймиз. Ўзим собиқ иттифоқ даврида ўша ерда хизматда бўлганман. Ҳозир ҳам кўп қабил афғон кўстларим бор. Мўъжизани кутиш керак эмас. Бунинг учун олдинга қадам ташлаш, ҳаракат қилиш керак. Афғон халқи ўз тақдирини ўзи ҳал этишига имконият ярати-б бериш керак. Ўзбекистон бу жабҳада бебаҳо ташаббус-га бош-қош бўлмоқда. Ишонман, яқин келажақда Афғонистон қўнни, боғу бўстонга айланади.

Нуктаи назар

Изчил давом эттириляётган ҳамкорлик алоқалари Марказий Осиёда ижобий натижалар беради

Гюнтер КНАБЕ, Афғонистон бўйича эксперт (Германия):



— Кейинги пайтларда афғон муаммоси Суриядаги вазият туфайли бир оз унутил-ган эди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Афғонистон масаласини тинч йўл билан ҳал қилиш ташаб-бусини ўз вақтида илгари сурди. Умуман олганда, "ЕИ — МО" форматидеги мулоқот афғон можаросини ҳал этишда муҳим роль ўйнайди. Менимча, Марка-зий Осиё давлатлари, шу жумладан, Афғонис-тон, Европа иттифоқи битта музокара столида ўтириши тўғри қарордир. Германия ушбу жараёни тўлиқ қўллаб-қувватлайди ҳамда афғон муаммосининг тезроқ ҳал қилинишига хайрихоҳдир.

Меҳмет ЖОНПҮЛАТ, "TRT" телеканали ходими (Туркия):



— Ўзбекистон Марка-зий Осиёда муҳим геосиёсий позицияни эгаллайди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг оқиб ташкил қилинган мулоқотда муҳим аҳамият касб этаёпти. Афғонистон ва бутун Марказий Осиёда тинчлик ҳамда барқарорликни таъминлаш масалаларини муҳокама қилишдан иборат бўлган Тошкент конференцияси бунинг яққол намуна-сидир. Ушбу йирик анжуманда Туркия ташқи ишлар вазири ҳам қатнашмоқда.

Журналист сифатида мен Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни яқиндан кузатиб бораёман. Ўзбекистон ҳамда Туркия раҳбар-ларининг ўтган йилги учрашувидан сўн давлат-ларимиз ўртасидаги муносабатларда янги саҳи-фа очилди. Буларга мамлакатимизда ишбилар-монлик муҳити жозибадорлиги ҳақидаги матери-алларимизда кўпроқ ургу бермоқдамиз. Ўйлашим-ча, Ҳаракатлар стратегияси туфайли Ўзбекистон яқин истиқболда бутунлай бошқача бўлади.



Ривен Жерад Д'СОУЗА, "The Times Kuwait" газетаси бош муҳаррири (Кувейт):



— Ўзбекистонга аввал ҳам кел-ганман. Кейинги қисқа вақт ичида ҳаётга татбиқ эти-ляётган улкан ислохотлар ту-файли мамлакат жадал ривожла-ниб бораётир. Туризм соҳаси-нинг янги қирра-лари очилляпти. Иқтисодиёт юқори даражага кўтарилмоқда. Қўшни мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар сиф-фат жиҳатидан янги босқичга чиқди. Ма-салан, Тожикистон фуқаролари учун ви-засиз тартиб жорий қилинганлиги диққатга сазовордир. Бу нафақат икки мамлакат, балки бутун минтақа учун муҳим воқеа са-налади. Таъкидлаш жоизки, изчил давом эттириляётган интеграция жараёни Мар-казий Осиёда ижобий натижалар беради.

Дипанжан Рой ЧОУДХУРИ, "Economic Times" газетаси бош муҳаррири (Ҳиндистон):



— Тошкент кон-ференцияси му-ҳим воқеадир. Чунки уни бутун жаҳон ҳамжамия-ти диққат билан кузатиб бораёпти. Бизга ушбу йирик а н ж у м а н и ёритиш учун бар-ча шарт-шароит яратиб берилган-нидан беҳад мам-нунмиз. Ўйлаيمانки, анжуман Афғонис-тонда тинчлик, барқарорлик ҳукм суришида алоҳида ўрин тутди.

Ибрагим БУК, "BBC" мухбири (Буюк Британия):



— Бугунги кунда Тошкент конференция-си маҳаллий матбуот-да ҳам, хорижда ҳам изчил ёритилмоқда. Бу унинг улкан аҳамияти-ни кўрсатади. Конфе-ренция матбуот марка-зининг веб-сайтида ҳар кун қўллаб ахборот-лар жойлаштириляя-пти. Бундан жудаям хурсандим.

Ибрагим БУК, "BBC" мухбири (Буюк Британия):

— Бугунги кунда Тошкент конференция-си маҳаллий матбуот-да ҳам, хорижда ҳам изчил ёритилмоқда. Бу унинг улкан аҳамияти-ни кўрсатади. Конфе-ренция матбуот марка-зининг веб-сайтида ҳар кун қўллаб ахборот-лар жойлаштириляя-пти. Бундан жудаям хурсандим.

Халқаро ҳамжамият нигоҳидаги бош мавзу

Пекинда бўлиб ўтган матбуот анжуманида Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Расмий вакили (Foreign Ministry Spokesperson) Хуа Чуньин ўз давлатининг "Тинчлик жараёни, хавфсиз-лик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусида Афғонистон бўйича Тошкент халқаро конференциясига оид қарашларини билдирди.

Хуа Чуньин, жумладан, Хитой томони Афғонистон-нинг тинч йўл билан тикла-ниши ҳамда мамлакатда миллий ярашув жараёнига хизмат қилувчи савдо-иқ-тисодий алоқаларни чу-қурлаштиришга доир маса-лаларни муҳокама қилишга имкон бериши билан муҳим-лиги қайд этилган.

Хиндистон ҳамда Покистон Ташқи ишлар вазирликлари бир кунда Афғонистон бўйича Тошкент конференциясига доир махсус хабар тарқатдилар. Материалда Нью-Дели ва Вашингтонда Америка Қўшма Штатлари Давлат департаменти Расмий ваки-ли Хизер Нойерт Ўзбекис-тон Афғонистонда барқарор-ликни таъминлашда муҳим ўрин тутганини билдирган эди. Тошкент анжумани эса, америкалик дипломатнинг сўзларига кўра, "Ўзбекис-тоннинг халқаро майдонга қайтиши рамзи" сифатида хизмат қилди.

Тошкент конференцияси олдиндан АҚШ ташқи сиёсат маҳкамаси томонидан мат-буот учун тарқатилган ахборотда мазкур учрашув Афғонистонда тинчлик ўрнатиш йўлида олиб бориляётган чора-тадбирларни қўллаб-қув-ватлаш ва жадаллаштиришга ёрдам бериши айтилган.

Европа Комиссиясининг 24 март кун тарқатган рас-мий хабаридан анжуман Аф-ғонистонда тинчлик ҳамда барқарорликни таъминлаш

билан бир қаторда, минта-қада терроризмга қарши кураш, гиёҳванд моддалар-нинг ноқонуний айланishi-ни бартафат этиш ва ўзаро иқтисодий алоқаларни чу-қурлаштиришга доир маса-лаларни муҳокама қилишга имкон бериши билан муҳим-лиги қайд этилган.

Хиндистон ҳамда Покистон Ташқи ишлар вазирликлари бир кунда Афғонистон бўйича Тошкент конференциясига доир махсус хабар тарқатдилар. Материалда Нью-Дели ва Вашингтонда Америка Қўшма Штатлари Давлат департаменти Расмий ваки-ли Хизер Нойерт Ўзбекис-тон Афғонистонда барқарор-ликни таъминлашда муҳим ўрин тутганини билдирган эди. Тошкент анжумани эса, америкалик дипломатнинг сўзларига кўра, "Ўзбекис-тоннинг халқаро майдонга қайтиши рамзи" сифатида хизмат қилди.

Тошкент конференцияси олдиндан АҚШ ташқи сиёсат маҳкамаси томонидан мат-буот учун тарқатилган ахборотда мазкур учрашув Афғонистонда тинчлик ўрнатиш йўлида олиб бориляётган чора-тадбирларни қўллаб-қув-ватлаш ва жадаллаштиришга ёрдам бериши айтилган.

Европа Комиссиясининг 24 март кун тарқатган рас-мий хабаридан анжуман Аф-ғонистонда тинчлик ҳамда барқарорликни таъминлаш

Таълим муассасалари, концернлар, корпорациялар, банклар, ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

Институтда таълим олган бакалавр ва магистрлар мамлакатимиз аграр ва сув хўжалиги соҳасида қўлланилиб келинаётган замонавий техника ва технологиялар билан кенг таниш бўлиб, иш фаолиятини бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ташкил қилишда мукамал назарий ва амалий билимларга эга мутахассислар ҳисобланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини 2017/2018 ўқув йилида битирувчи бакалаврият таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари тўғрисида маълумот

Т/р	Йўналиш номи	Худудлар бўйича битирувчилар сони														
		Битирувчилар сони	Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон вилояти	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти	Навоий вилояти	Наманган вилояти	Самарқанд вилояти	Сурхондарё вилояти	Сирдарё вилояти	Тошкент вилояти	Фарғона вилояти	Хоразм вилояти	Қашқадарё вилояти	Тошкент шаҳри
БАКАЛАВРИЯТ																
1.	Касб таълими: сув хўжалиги ва мелиорация	11							2	1	4			3	1	
2.	Касб таълими: ер тузиш ва ер кадастри	12	1	1					1	1	1		7	1		
3.	Касб таълими: қишлоқ хўжалигини механизациялаш	17	1		1			1	5	3				2	4	
4.	Касб таълими: қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш	17	1							6	3			5		
5.	Иқтисодиёт (сув хўжалигида)	30			1	2	1			2	4		1	1	15	
6.	Менежмент (сув хўжалигида)	27	1	1	1	1			1	1	3	1	1	4	13	
7.	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	24	3	1	1	1		1		2	3			4	9	
8.	Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси	53	2	1	1	1				1	9	1	1	4	29	
9.	Сув хўжалиги ва мелиорация	345	21	7	12	22	13	3	31	32	23	51	13	26	34	57
10.	Гидротехника иншоотлари	22			5					1				1	2	6
11.	Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш	191	8	1	8	8	9	4	4	20	15	26	8	18	30	32
12.	Ҳаётий фаолият хавфсизлиги	28		3	1	1	1	1	2	3		6	2	2	3	3
13.	Геодезия, картография ва кадастр (сув хўжалигида)	63	1		2	4	2	3	10	2	9	1	3	13	13	
14.	Ер тузиш ва ер кадастри	104	1	3	2	6	1	5	3	9	1	18	9	8	6	32
15.	Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш	96	7	2	3	6	1	1	4	10	8	17	1	6	6	24
16.	Гидротехника қурилиши	58	2		1	5	2	2	1	12	1	9	2	2	5	14
17.	Ирригация тармоқлари сув энергиясидан фойдаланиш	49	5		1	3	3			5	2	9	1	2	7	11
18.	Қишлоқ хўжалигини механизациялаш	163	2	1		5	3	2	6	44	4	41	2	4	32	17
19.	Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш	66	2			5	1	1		16	1	19		1	8	12
20.	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш	82	2		3	2	5	3	3	8	4	14	1	7	14	16
21.	Электр энергетикаси (сув хўжалигида)	58	1	2		2	2	1	3	8	3	15		2	5	14
	Жами	1516	61	20	41	74	49	26	63	196	70	269	44	92	189	322
МАГИСТРАТУРА																
1.	Гидромелиорация	3						1			1				1	
2.	Сув кадастри ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш	3		1				1							1	
3.	Гидромелиоратив тизимлардан фойдаланиш	4							1		2				1	
4.	Мелиорация ва сугорма деҳқончилик	7				1		1	1		3			1	1	
5.	Атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ ва сув хўжалигида)	3								1					1	
6.	Гидротехника иншоотлари (сув хўжалигида)	4							1		1			1	1	
7.	Гидротехника иншоотларидан фойдаланиш, уларнинг ишончилиги ва хавфсизлиги	3			1						1				1	
8.	Насос станцияларидан ва қурилмаларидан фойдаланиш ва ташхиси	3			1									1	1	
9.	Ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқариш	7	1		1		1				2			1	1	
10.	Геодезия ва картография (сув хўжалигида)	5	1											1	3	
11.	Геодезия ва картография (геоинформатика)	4		1								2		1	1	
12.	Гидромелиоратив ишларини механизациялаш	5		1						1	2			1	1	
13.	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (сув хўжалигида)	3			1					2						
14.	Электр таъминоти (сув хўжалигида)	3									2			1		
15.	Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш (деҳқончиликни механизациялаштириш)	5	1					1		1	2					
16.	Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш (қишлоқ хўжалигида техникалардан фойдаланиш)	2						1						1		
17.	Қишлоқ хўжалиги техникасини лойиҳалаштириш ва конструкциясини ишлаш	2						1		1						
18.	Агротехника мажмуи электротехник ускуналари ва электр таъминоти	4	1											1	2	
19.	Атроф-муҳит муҳофазаси (геоахборот тизимлари)	1							1							
20.	Атроф-муҳит муҳофазаси (халқаро ер ва сув ресурсларини бошқариш)	3									1			1	1	
	Жами	74	4	3	4	1	1	4	6	5	2	18	2	9	15	

«ЎЗМЕТКОМБИНАТ» АЖ

2018 йил давомида хом ашё материаллари, жиҳозлар, ускуналар, бутловчи ва эҳтиёт қисмларни сотиб олиш бўйича танлов эълон қилади.

Батафсил маълумот олиш учун сайт: www.uzbeksteel.uz

Таклифларни куйдаги манзилга юбориш лозим: 110502, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Сирдарё кўчаси, 1-уй.

Алоқа учун телефонлар: (+99870) 214-20-99, 214-17-48, 214-14-33, 214-12-40.

E-mail: info@uzbeksteel.uz

zeal NS SEME

«ZAMIN EKO AGRO»

корхонаси Нови-Сад дала ва полиз экинлари институтида (NS SEME) етиштирилган донли, мойли ва озуқа экинларининг серхосил уруғларини таклиф этади:

МАККАЖЎХОРИ УРУҒЛАРИ
КУНГАБОҚАР УРУҒЛАРИ
ХАШАКИ ЛАВЛАГИ ВА ҚАНД ЛАВЛАГИ УРУҒЛАРИ
СОРГО УРУҒИ
БЕДА УРУҒИ

Уруғлар синовлардан муваффақиятли ўтган ва сифат сертификатларига эга.

МУВАФФАҚИЯТ УРУҒЛАРИНИ ЭКИНГ!

Мурожаат учун телефонлар: (+99897) 738-10-27, 755-02-55, 130-51-21, (+99894) 160-27-24. Факс: (0-371) 150-15-89.

www.zeal.uz T.ME.AGROZAMIN

WorldFood Uzbekistan

Ўзбекистондаги ЙИРИК ОЗИҚ-ОВҚАТ КЎРГАЗМАСИГА хуш келибсиз!

18-халқаро кўргазма

2018 йил 4 – 6 апрель

Тошкент ш., «Ўзэкспомарказ» МКК, 1, 2-павильонлар.

Тулиқ www.worldfood.uz сайтида

Дастлабки икки кун фақат соҳа мутахассислари таклиф этилади!

1-павильон
2-павильон

WorldFood Uzbekistan ONLINE РҲЙХАТДАН УТИНГ

Ташкилотчи: **Iteca Exhibitions**
Tel.: (0-371) 205-18-18. E-mail: worldfood@iteca-uzbekistan.uz

UzMiningExpo Тоғ-кон саноати учун технология ва ускуналар.

UzMetalMashExpo Металлургия, металл ишлаб бериш. Дастгоҳсозлик. Пайвандлаш.

UzTechTransExpo Махсус техника. Автоиндустрия. Транспорт. Логистика.

UzSecureExpo Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

InterPackExpo Қadoқлаш саноати ва полиграфия махсулотлари учун технология ва ускуналар.

UzChemPlastExpo Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

Халқаро саноат кўргазмаларига таклиф қиламиз.

2018 йил 28 – 30 март / «Ўзэкспомарказ» МКК

Дастлабки икки кун фақат мутахассислар қиради.

Ташкилотчи — «International Expo Group» МЧЖ. Ўзбекистон, Тошкент ш., Амир Темур шоҳқўчаси, 107-Б-уй, офис — 4С-02. Тел./факс: (+99871) 238-91-82, 238-59-87. E-mail: info@ieg.uz / info@ieguzexpo.com www.ieg.uz

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

«ЎҚУВ ТАЪЛИМ-ТАЪМИНОТ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИНИНГ «ТАЪЛИМ ТАЪМИНОТ ЖИҲОЗ» РЕСПУБЛИКА ФИЛИАЛИ

2018/2019 ўқув йили учун махсулотларни (1-синф учун ўқув қуроллари, дарсликлар, ўқувчилар қишки кийим-боши, мебель жиҳозлари, компьютер техникалари ва бошқалар) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга етказиб бериш бўйича автокорхоналар ўртасида танлов эълон қилади.

Танловда қатнашиш истагини билдирган автокорхоналар усти ёпиқ автомашиналарга эга бўлиши ва куйдаги ҳужжатлар тўпламини тақдим этиши лозим:

- кўрсатиладиган автотранспорт хизматлари тавсифномаси (калькуляцияси) (қонунда белгиланган тартибда харажатлар ёйилмаси билан);
- махсулотни етказиб бериш автотранспорт хизматлари бўйича республиканинг ҳар бир ҳудуди кесимида ва умумлаштирилган нарх таклифи;
- хизмат кўрсатадиган автотранспорт воситаларининг русуми, юк кўтариш қуввати ва ҳажми;
- транспорт хизмати кўрсатувчи корхоналарга берилган лицензия, гувоҳнома нусхалари (аслига тўғрилиги муҳр билан тасдиқланган бўлиши лозим).

Ҳужжатлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кун давомида қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 229-04-94, 229-12-28. Факс: (0-371) 229-04-62.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази жамоаси касб-хунар таълими фахрийси

Пўлат ҚАЙОМОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур тазия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтини жамоаси институт директори ўринбосари, физика-математика фанлари доктори Манноб Ташметовга онаси **Унсой яя ТАШМЕТОВАНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур тазия изҳор этади.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти жамоаси таҳририят ходими Акбар Исмоиловга отаси **Мавлон ИСМОИЛОВНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур тазия изҳор этади.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — М. Холматова.
Муасхих — Ш. Машраббоев.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 345. 139 974 нусхада босилди, ҳажми — 4 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.25 Топширилди — 03.00 1 2 3 4 5 6